

---

Таъмирлаш ишлари сабабли эртага, 5 апрел куни Наймансой ва Каттақайнар маҳаллаларида истиқомат қилувчи истеъмолчилар табиий газ таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади!

Шуни маълум қиламизки, эртага Қўқон-2 ГРСни аҳоли тармоғида таъмирлаш (торайтириш мосламасини алмаштириш) ишлари олиб борилади.

Шу муносабат билан мазкур ГРСдан табиий газ билан таъминланувчи Ўзбекистон туманидаги Наймансой ва Катта Қайнар маҳалларидаги аҳоли хонадонлари-истеъмолчиларга эртага, 2023 йил 5 апрел куни соат 09:00 дан 17:00 га қадар табиий газ етказиб бериш вақтинча тўхтатилади.

Хурматли истеъмолчилар! Огоҳ бўлиб, газни ўчириш ва ёқишда табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишингизни эслатган ҳолда, келтирилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

“Худудгаз Фарғона” ГТФ “Ўзбекистонтумангаз” бўлими

Мурожаат учун телефон: ☎104, (73) 539-19-46

2023-04-04 22:07:17